O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI



MADANIYATLARARO MULOQOTDA SHARQ TILLARINING AHAMIYATI

XALQARO ONLAYN ILMIY-AMALIY ANJUMAN MATERIALLARI

THE ROLE OF ORIENTAL LANGUAGES IN INTERCULTURAL COMMUNICATION

INTERNATIONAL ONLINE SCIENTIFIC CONFERENCE

“TAMADDUN”
Toshkent – 2021

UO‘K 821.512.133.06(091)
KBK 83.3

O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 7-fevraldagi 56-f-sonli Farmoyishi bilan tasdiqlangan “O`zbekiston Respublikasida 2020-yilda xalqaro va Respublika miqyosida o`tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasi”da belgilangan tadbirlarni amalga oshirish va O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta'lim vazirligining 2020-yil 13-fevraldagi “Vazirlik tizimidagi oliy ta’lim va ilmiy-tadqiqot muassasalarida 2020 yilda o`tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasini tasdiqlash to`g`risida”gi №116-sonli buyrug`ida belgilangan tadbirlarni amalga oshirish maqsadida Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o`zbek tili va adabiyoti universiteti sizlarni Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti, EIRning O‘zbekistondagi elchixonasi qoshidagi Madaniyat vakolatxonasi, Ar Riyod "Tadqiqotlar va ma’rifiy aloqalar markazi” (Saudiya Arabistoni), Qirol Saud Universiteti (Saudiya Arabistoni), Malang Muhammadiah Universiteti (Indoneziya), Haydar Aliev nomidagi Ozarbayjon Madaniyat markazi, Fuzuliy nomidagi ilmiy tadqiqot markazi (Ozarbayjon), Ozarbayjon Fanlar Akademiyasi Nizomiy nomidagi Adabiyot instituti, Kobul davlat universiteti (Afg‘oniston), O‘rta Osiyo Amerika Universiteti (Kirg‘iziston), va Indiana Universiteti (AQSH) bilan hamkorlikda 2020 yilning 20-21 noyabr kunlari “Madaniyatlararo muloqotda sharq tillarining ahamiyati” mavzusida masofaviy-onlayn ilmiy-amaliy 2020-yil 20-21 noyabrda ZOOM platformasi orqali onlayn o‘tkazildi.

To‘plamdan taniqli olimlar, metodistlar, o‘qituvchilar bilan bir qatorda ToshDO‘TAU iqtidorli talabalari hamda xorijiy hamkorlarimizning ham maqolalari ham o‘rin olgan.

To‘plam til va adabiyot ta‘limi bilan shug‘ullanuvchi professor-o‘qituvchilar, shu sohaning tadqiqotchilari, magistr va talabalarga mo‘ljallangan.

Anjuman hay’ati raisi:

Sarvinoz Sotiboldiyeva – filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Taqrizchilar:

Z.Abdirashidov – filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent

M.Saidumarov– filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Anjuman hay’ati a’zolari:

H.Turdiyeva, S.Abdunabiyev, N.Sulaymonova, O.To‘ychiyeva, N.Rashidova, M.Nurillayev, J.Turdiyev, U.Mahmudov, I.Abdullayeva, Ch.Hasanova, P.Izzatillayev

Mazkur to‘plam matni Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat ozbek tili va adabiyoti universiteti Kengashida muhokama qilinib, nashrga tavsiya qilingan.

Izoh: Maqolalarning ilmiy saviyasi va imlosi uchun mualliflar o‘zlari mas’uldirlar.

ISBN 978-9943-5116-3-7

Turdiyev Sanjar Komilovich

40-50 YILLAR INDONEZ ADABIYOTI: HAYRIL ANVAR - YANGI AVLOD SHE'RIYATINING ASOSCHISI 524

Динора Юсупова

ФОРС ШЕЪРИЯТИДА УСЛУБЛАР РИВОЖИ 531

Toj Muhammad Elsevar

NAVOIY, O'ZBEK ADABIYOTINING O'CHMAS YULDUZI 543

Abdullayeva Iroda Yorqinjon qizi

SAYOHATNOMA JANRINING GENEZISI, TAKOMIL BOSQICHLARI VA ZAMONAVIY O'ZBEK ADABIYOTIDAGI O'RNI 545

Бобоалиева Зебониссо Пирмуродовна, Авгонов Алишер Файзуллоевич

ИДЕНТИЧНОСТЬ ДВУХ ВЕЛИКИХ КНИГ 548

Мирфайзиева Камола Юсуповна

СЎФИЙ ОЛЛОҲЁР - ЭЛ АРДОҒИ ВА ЭЪЗОЗИГА МУНОСИБ МУТАФАККИР 557

Жўрақулова Насиба Шамуровна

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ЭР ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ 562

Tursunmurodova Dilobar

TURKIY ADABIYOTDA ZOHID OBRAZINING BADIIY TALQINI 565

Mulloqulova Shohista

„DEVONİ FONİY''DA QUR'ONİY G`OYALAR İFODASİ 569

Дилрабо Назарова

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ВА АЛИШАР НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИДА АДАБИЙ АНЪАНА ВА НОВАТОРЛИК МЕЗОНЛАРИ……..572

Saparova Maftuna Ravshan qizi

MAHMUD ZAMAXSHARIYNING «ALQUSTOS FI ILM ALARUD» ASARIDA ASLIY RUKN VA ZIHOFLAR MUAMMOSI 577

SHARQ QO'LYOZMALARI MANBASHUNOSLIGI

Ходжаева Раъно Умаровна

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АРАБ ТИЛИДА БИТИЛГАН БАДИИЙ МЕРОСНИНГ ЎРГАНИШ МАСАЛАСИГА ОИД 583

Yusupova Dilnavoz Rahmonovna

SHARQ ARUZSHUNOSLIGINING G'ARB OLIMLARI TOMONIDAN O'RGANILISHI (XV asrdagi forsiy va turkiy manbalar misolida) 587

3. Қиссаи Машраб. -Т.: “Ёзувчи”, 1992 йил, 151-152-бетлар. Яна: Исҳоқ Боғистоний. “Тазкираи қаландарон. “Шарқ юлдузи”, 1990 йил, 8-сон, 156-бет.
4. **Каромиддин Жамаҳматов,** *“Сўфи Оллоҳёр ўз даврининг Абу Ҳанифасидир”*

Халқ достонларида Эр образининг бадиий талқини

Жўрақулова Насиба Шамуровна
Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ
2-курс магистранти
Тел: 998909633149
Nasibazhurakulova@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек халқ достонларидаги мард, жасур қаҳрамонларнинг эр даражасига эришиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари, комиллик томон интилишлари имкон даражасида таҳлил қилинган. “Равшан” достонидаги воқеалар тизимидан келиб чиққан ҳолда алп ботирларнинг асосий хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган.
Калит сўзлар: талаб, нафс, ирфоний тарбия, шариат, тасаввуф.
Аннотация: В этой статье по мере возможности анализированы стремление доблестных и отважных героев народных эпосов на рути достижения, возмужания и благородства. Исходя из цепи событий, происходящих в дастане “Равшан” выделяется особое внимание мужеству и отваге богатырей-героев.
Ключевые слова: требование, корысть, просветительское воспитание, шариат, суфизм.
Annotation: In this article, the actions of brave heroes of the Uzbek national epic on the way of achieving virility, their aspirations towards perfection are analyzed at the possible level. Due to the system of events in the epic “Ravshan”, special attention is paid to the main features of the Alpian wariors.
Keywords: demand, greed, divine, education, shariat, sufism.

Халқ оғзаки ижоди намуналари миллат маънавияти, иймон-эътиқоди,ўй-хаёллари ва қадриятларини акс эттирувчи мерос ҳисобланади. Ҳар қайси даврдаги ёзма бадиий асарлар халқ донишмандлигидан илҳомланиб яратилганлигига асло шубҳа йўқ. Элатлар ўзлари ҳис қилган, яшаб ўтган кечинмаларини бадиий ифода этганликлари боис, фольклор намуналарини тадқиқ қилиш асносида аждодларимиз қандай ҳаёт кечирганликларини, маънавий даражалари қайси мақомда бўлганлигини аниқ айтиш мумкин бўлади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида энг йирик ҳажмли жанр достондир. Достонларда инсониятнинг бутун бошли тақдири мужассам. Достонларга миф ёхуд афсона сингари ёлғон ҳақиқат деб қарашимиз мутлақо нотўғри муносабат, бу нодир намуналар зўрма-зўраки ўйлаб топилган воқеалар ривожидан ташкил топмаган, уларда миллат келажаги, баркамол авлод тарбияси учун ҳеч бир даврда ўз қимматини йўқотмайдиган ибратли ҳаёт бор. «Равшан» достонида Равшаннинг орияти устун келиб, юртидан бош олиб кетиш жараёнида отаси билан бўлиб ўтган

суҳбати, айниқса, диққатга молик. Ота фарзандига қандай муомалада бўлиши лозимлигини ўрганиш, мард, жасур йигитлар тарбияси тугал бўлиши учун хориж файласуфларидан дарс олиш шарт эмас, Ҳасанхон заковати замонамиз падари бузрукворларига мерос бўлиб ўтса, шунинг ўзи етарли. “Умримга баҳорим, толпинган шунқорим, новда ўсган чинорим, соғинсам хуморим, қатордаги норим, Исфахон ханжарим, элга эътиборим...” Ҳасанхон комил фарзанд тарбиялашни ҳаётининг мазмуни деб билган ота, энг тўғри йўлдан кетаётган жасур валломат.

Улуғ дарёлардан чиққан қундузим,
Фалак пештоқидан учган юлдузим.
Ғайрат билан миниб отнинг белига,
Не тилакман тилаб олган ёлғизим[1, 21 б].

Айтиш мумкинки, адабиёт марказида турадиган комил инсон тарбияси халқ достонларида энг тушунарли ва самарали усуллар ёрдамида кўрсатилган. Ҳасанхон томонидан келтирилаётган бу таърифлар ҳис-ҳаяжонга тўла меҳр-муҳаббат маҳсулигина эмас, амали билан шу мақтовларга лойиқ бўлган фарзанд таърифидир. Равшаннинг отасига жавоби эрлик йўлига қадам қўйишга маънан ва жисмонан тайёр эканлигига далолат сифатида янграйди.

Оҳ урса тўкилар кўзларнинг ёши,
Қиёматдай бўлар марднинг савоши.
Талаб қилиб қайтармикин мард киши,
Талабдан қайтмоқлик номарднинг иши[1, 26 б].

Ҳазрат Навоий “Лисон ут-тайр” асарида қушлар босиб ўтиши лозим бўлган етти водийнинг биринчисини талаб деб номлайди, яъни ахлоқан покланиш, ирфоний тарбиянинг илк қадами талаб орқали ҳосил бўлади. Талаб инсонийлик мартабасига эришиш, фоний дунё имтиҳон учун одамизодга берилган имкон эканлигини англаш йўлидаги дастлабки босқич. “Аслида отамиз Одам алайҳиссаломнинг ва онамиз Ҳавво розияллоҳу анҳонинг ерга туширилишларининг ҳикмати ҳам шу: жаннат номли олий бир маконда абадий бахтли яшашга лойиқ даражада нафсларини тарбия эттириш эди.”[5,65 б]. Талаб айнан нафс тарбияси учун рағбатнинг пайдо бўлиши, моҳиятни англашга интилиш.

Ҳам талаб завқини ҳосил қил манга,
Ҳам тилаб топмоғни ҳосил қил манга [4, 269 б].

Ҳусайн Воиз Кошифий изоҳи ҳам талаб маъносини англашга ёрдам беради: “Шариат беш ҳарфдир: ш-ибодат шартини бажо келтириш, р-мумкин нарсани мумкин эмасдан ажратиш, и-якдил бўлиш, ъ-илм ўрганиш, т-талаб қилиш.” [2, 306 б].

Ўн уч ёшида кучли тайёргарлик билан, ички қўрқувни енгган ҳолда олис ва машаққатли сафарга йўл олган алп эр Равшан исломий илмни чуқур эгаллаганлиги, Аллоҳга таваккули билан азму шижоат кўрсатаётганлиги аниқ. Бинобарин, донишманд аждодларимиз ҳар бир хайрли ишда, хусусан фарзанд тарбиясида ислом дини амалларига тўлиқ риоя қилишган, тўғри ҳаёт кечириш асосини тасаввуфий ҳаётда деб билишган. Аллоҳ Таоло Шамс сурасида шундай марҳамат қилади: “Ва нафс билан ва унинг бекаму кўст қилиниши билан қасам. Унинг фужурини ва тақвосини илҳом қилди. Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни покласа, зафар топди. Ва батаҳқиқ, ким уни булғаса, ноумид бўлди.”(7-10-оятлар). Нафсига эрк берган киши икки дунёда ҳам хорликка маҳкум, ҳасратга учрайди, ноумид бўлади. Тасаввуф айнан нафсни поклаш йўли, Шайх Муҳаммад Содиқ айтганларидек, “Тасаввуфнинг асоси нафс пок ва руҳ олий бўлиши учун содда ҳаёт ва фазилатлар ила зийнатланиб

яшамоқдир”[5, 35 б]. Айтиш ўринлики, ўзбек халқ достонларининг ҳар бирида биргина моҳият бор, ибратли ҳаёт кечириш, иймон-эътиқод мустаҳкамлиги, исломий амаллар тугаллигисиз бу мақомга эришиш асло мумкин эмас.

Равшаннинг бу жавобидан Ҳасанхон ҳайратланиб, ўғлим ҳали эр етгани йўқ деб юрган эканман, қабилидаги хулосага келади. Шу ўринда Эр атамасининг бадиий адабиётимиздаги мазмун-моҳиятига бироз тўхталиб ўтсак. Маълумки, эр сўзи эркак жинсига мансуб инсонларга нисбатан ишлатилади. Эр сўзи адабиётимиз тарихида мустаҳкам ўрнига эга. Эр образи ортида ўзбек халқига хос бўлган энг сара хислатлар, ахлоқий юксаклик яширин бўлган. “Девону луғатит-турк” асарида эр сўзи мардлик билан синоним сифатида келади, бир ўринда эрлик-мардлик, эркаклик, дея таърифланса, бошқа ўринда эрлашди- мардликда баҳслашишди маъносида келади [3, 104 б]. Атоқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов шундай ёзади: “...турки ёзма ва оғзаки адабиётдан эр, эран, алп эран, ғайб эранлари образлари четга сурилса, унинг нафақат миллий-тарбиявий, балки умуминсоний моҳияти ҳам кучсизланиб, ҳатто маҳдудлашиб қолади. Улар тилга олинганда мумтоз шеъриятдан мардлик, матонат, ҳикмат, жасорат каби боқий ҳақиқатлар ёришиб, ёлқинлашиб келгандай туюлади” [6]. Аслида, бақувват жинс вакиллари бу хислатлардан бебаҳра бўлиши тасаввурга сиғмас ҳақиқат, шу боис, халқ оғзаки ижодида эр образи ҳар бир давр вакилига ибрат бўлгулик хислатлар соҳиби бўлиб келган, жамият фаровонлигини таъминлашнинг энг катта асоси ҳам айнан шу эди. Чунки эрлар қатъийлиги устун бўлган миллат ор-номусини оёқости қилиб қўймайди, баркамол авлод тарбиясини олий мақсадга айлантира олади. Халқ орасида “Эл бор бўлса, эр хор бўлмас, Эр бор бўлса, эл хор бўлмас; Шерни эр енгар, эрни шер енголмас” сингари мақолларнинг пайдо бўлиши ҳам бежиз эмас.

Равшан эр мақомида қоим бўлиш учун йўлга тушди. Ҳасанхон Равшан учун фақатгина ота эмас, маънавий ҳомийдир. Ҳасанхон достонда шундай таърифланадики, эр йигитнинг тарбияси эрлик хислатига эга бўлган муршидларга ишониб топширилиши кераклигига амин бўламиз, яъни сўзи-ю амали мутаносиб бўлган устозларнинг қўлидан келадиган иш бу. “Девсифат, бир аждаҳодай, ҳеч нарсани кўзига иладиган эмас, балки назарига келтирмай, писанд қиладиган ҳам эмас, шундай ҳайбатли, сиёсатли ”[1, 182 б] таърифлари Ҳасанхон сиймосини тасаввур қилишимизга имкон яратади. Ёки яна бир ўринда қуйидаги мақтовга дуч келамиз:

Ёби дема, шу от тулпор эканди,
Шу ўтирган Ҳасан шунқор эканди.
Боласин кўрмакка афгор эканди,
Эрлиги-чи ҳар кимча бор эканди [1, 181 б].

Ҳасанхон ўғли йўлга тушаётганда, бир қанча ибратли ўгитларни айтиб, насиҳат қилади:

1. Ўзингдан пастларман ҳар йўла кетма.
2. Олдингдан ким чиқса бесалом ўтма.
3. Бир ғарибни кўрсанг, зинҳор, оғритма.
4. Йиқилганни, болам, сен босиб ўтма.
5. Манманлик йўлини тутма, чироғим.

Улуғ сўйлаб, Шайтон бўлди Азозил [1, 28 б].

Достонларда бундай насиҳатларни жуда кўп ўринда учратамиз. Насиҳатда одамийлик хислатлари баёни бор, демак англаш мумкинки, ҳар бир оилада фарзандлар шу мезон асосида тарбияланган. Буюк миллат эканлигимизнинг боиси

ҳам айнан шунда. Бизнинг юртимизда катта тарбия мактаби мавжуд бўлган. Ўзбек халқ достонлари чин маънода хазина, юқорида биргина достоннинг саноқли ўринларигагина эътибор қаратдик. Ҳозирги мураккаб замонимизда донишманд ва зукко аждодларимиз мерослaридан оқилона фойдалана олсак бас. Халқ ижодиётига асло эртак сифатида қараш керак эмас, Бу ҳаётни яшаш керак, ёш авлодни шу руҳ билан ўстириш керак, шундагина юртнинг ҳар бир ўғлони эр йигит бўлишига ишончимиз комил.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Равшан. Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи: Ҳоди Зарифов. Тошкент. 2019, 207 бет.
2. Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний. Тошкент. Ўзбекистон, 2019, 415 б.
3. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғати-т-турк. Тошкент. Ғафур Ғулом, 2017, 482 б.
4. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Лисон ут-тайр. Тошкент. Ғафур Ғулом, 2013,767 б.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Тошкент. Ҳилол-нашр, 2019, 295 б.
6. Иброҳим Ҳаққул. Навоий шеъриятида Эр ва Эран образи. www.kh-davron.uz. 22.03.2019.

TURKIY ADABIYOTDA ZOHID OBRAZINING BADIIY TALQINI

Dilobar Tursunmurodova – ToshDO‘TAU magistri
Ilmiy rahbar: f.f.n., dotsent G.Ashurova

Annotatsiya

Mazkur maqolada tasavvuf adabiyoti, xususan, turkiy adabiyotda zohid obrazi haqida fikrlar keltirilgan. Bu obrazning dastlabki ko‘rinishlari hamda turkiy adabiyotda namoyon bo‘lishi masalalari qamrab olingan.

Kalit so‘zlar: tasavvuf, zohid, zohidlik, she’riyat, turkiy adabiyot.

Tasavvuf insonning ma’naviy kamolotga erishish yo‘lidir. Tasavvuf va adabiyotning uyg‘unlashuvi natijasida tasavvufiy adabiyot yuzaga keldi Tasavvuf va badiiy ijodning mushtarakligi tasavvufning keng yoyilishiga sabab bo‘lgan omillardan biri. Adabiyot - insonshunoslik hisoblanib, tasavvuf adabiyotida esa tariqat yo‘li bilan poklanayotgan va komillik sari taraqqiyot etayotgan insonni tasvirlashni maqsad qilib olgan. Ana shu solikning dunyoqarashi, his-tuyg‘ulari, xarakterini tasvirlangan. Tariqatda solikning ruhiy-ma’naviy kamolot bosqichlari – maqomlardir. Har bir maqom komillik sari intiluvchi bir pog‘onadir. Ruhiy-ma’naviy kamoloti bosqichlaridan ko‘tarilgan sari komillik sifatlariga yaqinlashadi. Bu yo‘ldagi maqomlar Olloh visoliga yaqinlashtiradi. Abunasr Sarroj tariqatning tavba, vara’, zuhd, faqr, sabr, xavf, rajo, tavakkul, rizo maqomatini qayd etgan. Zuhd so‘ziga Bertels shunday ta’rif beradi: “Va’ra halol va